

ТУРКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

“ТУРКИСТОН ШАҲРИНИНГ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ПАРЛАМЕНТДА БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Туркистоннинг мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси 1,5 соат давом этди. 15 нафар депутат ўз саволларини бериб, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажиббаев Туркистон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид саволларга жавоб берди.

Мазкур Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Буюк Британия, Италия, Ўзбекистон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг тарихий обидаларини сақлаш амалиёти ўрганилди. Қонун 4 боб ва 15 моддадан иборат бўлиб, Туркистон шаҳрининг Қозоғистон Республикаси маънавий, маданий ва тарихий маркази сифатидаги алоҳида мақоми белгилашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонун лойиҳасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

Туркистон шаҳрининг археологик ёдгорликлари қўриқхонасини ташкил этиш;

Халқ хунармандлари хара-

жатларининг бир қисmini бюджетдан қоплаш;

Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси атрофидаги қурилишни чеклаш ва унинг ўзига хослигини сақлаб қолиш режалаштирилган.

Хусусан, чегарага туташ 100 метр масофада баландлиги 7 метрдан ортиқ, шунингдек, кўлами, ранги, қурилиш ма-

териаллари бўйича тарихий обидаларга мос келмайдиган биноларнинг қурилиши тақиқланади.

Шунингдек, Туркистон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар маслаҳатига 34та қўшимча ваколатлар берилган.

Эслатиб ўтамоқчи, Туркистон шаҳри аҳолиси сўнги уч йилда 31,5 фоизга ошиб, 2024 йилнинг

1 ноябрига қадар 236 минг 333 нафарга етди. Вилоят маркази сифатида ўтган йили умумий ҳудудий маҳсулот ҳажми 4,5 баравар ошиб, 370,8 млрд. тенгеге етди. 2024 йил учун 413,7 млрд. тенге ажратиш кўзланмоқда. Туркистон шаҳрида давлат бюджетига тушум миқдори ўтган йили 2,8 баравар ошиб, 66,2 миллиардга етди. Вилоят марказига айланганидан буён шаҳар бюджети 3 бараварга ошиб, 141,3 млрд. тенгеге етди (2018 йилда 41,9 млрд. тенге). Шаҳарга сўнги уч йилда капитал маблағлар ҳажми 915,7 млрд. тенгени ташкил этди. Улар орасида хусусий сармоялар – 458,1 млрд. тенге. Бу йил 390 млрд. тенгени жалб қилиш режалаштирилган.

Шаҳарда сўнги уч йил ичида 1,2 млн квадрат метр уй-жой, шу жумладан, 200та (10 020 хонадонли) умумий майдони 807,3 минг квадрат метр бўлган уй-жой фойдаланишга топширилди. Сўнги уч йилда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сони икки баравар кўпайиб, 22 мингтага етди. Жорий йилда Туркистонга “Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти” расмий мақоми берилди, бир қатор сайёҳлик ва маданий тадбирлар ўтказилди. Туркистон шаҳрига бир кунлик ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар сони охириги уч йилда 165 фоизга ошиб, 2023 йилда 1015,2 минг кишига етди. Шунингдек, чет эллик бир кунлик ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар сони уч йил ичида 60 баравар ортиб, 12200 нафарга етди. 2024 йилнинг январь-октябрь ойларида Туркистон шаҳрига бир кунлик ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар сони 953,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,2 фоизга ошган. Шунингдек, хорижий бир кунлик ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар сони 22,3 минг кишига етди, бу ўтган йилнинг 10 ойига нисбатан 2 баравар кўпдир.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Соғлом турмуш тарзи – жамият тараққиётининг асоси

БЕКЎС ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражасини яхшилаш, саломатлигини асраш учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз томонидан ёши улуг инсонларга қаратилган эътибор, бу борада қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар эндиликда қоғозда эмас, амалда акс этиб, кекса авлод вакилларининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва иштирокини янада мустаҳкамламоқда.



“АМАНАТ” партиясининг “Халқ билан” Сайоловди дастурида белгиланган устувор вазифаларининг ижросини таъминлаш мақсадида ногирон фуқаролар ва қариялар учун тиклаш ва соғломлаштириш марказлари очиш мақсадида жорий йилда 607та иншоот ажратилди.

Вилоят бандлик ва ижтимоий дастурларни мувофиқлаштириш бошқармаси қошида махсус ижтимоий хизматлар кўрсатишга мўлжалланган 12та марказ мавжуд. Улар орасида 4та стационар ва бта ярим стационар шаклдаги муассасалар ҳамда “Фахрийлар уйи” фаолият юритмоқда.



Бугунги кунда вилоятда 200 ўринли имконияти чекланган катталар тиклаш маркази, психоневрологик нуқсон мавжуд ногирон болалар учун 50 ўринли махсус ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази барпо этилган.

Жорий йилда Тўлебий тумани бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими қошидаги “Ёрқин ҳаёт ва тенг жамият” шўъбаси ўз фаолиятини бошлади. Марказга 18 ёшдан ошган ногиронлар ва пенсия ёшидаги кекса фуқаролар ташриф буюрмоқда (таъсирларда).



Биз ҳар бир ишимизда кексаларимиз дуоларию насиҳати таянадиган халқ вакиллари эканлигини фахр билан қайд этишимиз мумкин. Бинобарин, кексаларга чексиз ҳурмат-эҳтиромишимиз, битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз уларнинг дуоларини олишга, уларни рози қилишга ундайди. Яна бир ҳикमत шуки, фарзандларимиз ҳам ана шу аъналарнинг давомчилари бўлиб, кексаларнинг дуоси олтиндан қиммат эканлигини англаб етади. Чиндан ҳам юртимиз бағри кексалар ақли, ўғити, дуосила обод ва нурафшон, юрт аҳлининг эса бахти баркамол, ҳаёт йўллари сабоқ ва ибрат мактаби.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.



120 МИНГГА ЯҚИН ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади иш ўринларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришдир. Бу борада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Кўплаб лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида субсидия ва грантлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган фуқаролар учун имтиёзли кредитлар мунтазам равишда ажратиб келинмоқда.

Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган “Минтақавий бандлик харитаси”га кўра жорий йилда 118 минг 900 иш ўрни бунёд этиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа доирасида йил бошидан буён 68 минг 500 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш тадбирларида иштирок этди. Уларнинг 31 минг нафара доимий иш ўрнига эга бўлди, 37,5



минг нафари вақтинчалик имтиёзли иш ўринлари билан қамраб олинди. Бу ҳақда вилоят бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси раҳбари Асия Темирбаева маълум қилди.

– Ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар

бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан дастаклар жорий этилмоқда. Эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Янги иш ўринларини

ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича дастурлар ижроси натижасида эса аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга эришилмоқда. Вилоятда 1500 нафар ишсиз фуқаро миллий лойиҳа ва концепциялар бўйича, 320 нафар фуқаро хусусий сармоявий лойиҳалар бўйича иш билан таъминланди. Шунингдек, 1783 нафар фуқаро янги бизнес гоёларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида грант олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Йил бошидан буён грант олиш учун 5388 нафар фуқаро ҳужжат топширган. Комиссия қарорига кўра, уларнинг 1783 нафарига грантлар ажратилиб, 2570,9 млн. тенге ўзлаштирилган, – деди у.

Вилоятимизда кўп болали оилалар сони 185 минг 690 кишини ёки республикадаги барча кўп болали оналарнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Шу боис вилоятда кам таъминланган фуқароларнинг даромадларини ошириш ҳисобига қашшоқликни камайтиришга қаратилган тад-

бирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттириляпти. Вилоятда қашшоқлик даражасини 2023 йилга нисбатан 5,5 фоизга камайтириш режалаштирилган.

– Жорий йилда 116,2 минг кишига махсус ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан 9,6 миллиард тенге ажратилди. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимлари билан камбағаллик даражасини пасайтириш юзасидан меморандумлар тузилиб, 2024 йилга мўлжалланган махсус ижтимоий ёрдам кўрсатиш режаси тасдиқланди. Йил бошидан буён 14160 оилага ёки 84860 нафар фуқарога ижтимоий ёрдам тайинланди. Яъни, кўрсаткич 19 563 кишига камайди. Кам таъминланган фуқаролар улуши вилоят умумий аҳолисининг 4 фоизини ташкил этади. 2023 йилнинг шу даврига нисбатан кам таъминланган фуқаролар сони 61 минг 224 нафарга ёки 41,9 фоизга камайган, – деди Асия Темирбаева.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

